

ЎЗБЕК ВА ҚИРГИЗ ХАЛҚ СЕХРЛИ ЭРТАКЛАРИДА МУШТАРАК МОТИВЛАР

Муртаз Абдулазиз ўғли СОТВОЛДИЕВ

таянч докторант

Андижон давлат университети

Андижон, Ўзбекистон

murtazsotvoldiev26@gmail.com

Аннотация

Мақолада ўзбек ва қирғиз халқ сехрли эртакларидаги муштарак мотивлар, ҳамда уларнинг келиб чиқиши, бир-бирини тўлдириб турувчи жиҳатлари таҳлил қилинади.

Таянч сўзлар: фольклор, сехр, муштарак, сюжет, саргузашт, тарихий, сехрли эртак.

ОБЩИЕ МОТИВЫ В УЗБЕКСКИХ И КЫРГЫЗСКИХ ВОЛШЕБНЫХ НАРОДНЫХ СКАЗКАХ

Муртаз Абдулазиз углы СОТВОЛДИЕВ

Базовый докторант

Андижанский государственный университет

Андижан, Узбекистан

[муртазсотовлдиев26@gmail.com](mailto:murtazsotvoldiev26@gmail.com)

Аннотация

В статье анализируются общие мотивы в узбекских и кыргызских народных волшебных сказках, а также их происхождение, взаимодополняющие аспекты.

Ключевые слова: фольклор, волшебство, общность, сюжет, приключение, историческое, волшебная сказка.

Эртак эпик турга мансуб қадими жанрлардан бири бўлиб, унда халқнинг турмуш тарзи, урф-одати, маданияти, миллий қадриятлари билан бирга орзу-умидлари, ҳаёлий уйдирмалари, реал ҳаётдаги нореал қарашлари, руҳий-эмоционал кечинмалари акс эттирилади. Халқ насрининг асосий жанрларидан бири ҳисобланган эртаклар инсоният онг-тафаккурининг ilk намуналаридан биридир. Шунинг учун ҳам эртакларнинг тарихий асоси қадимги мифологиялар ва архаик тушунчалар билан чамбарчас боғлиқдир.

Бу эса эртак қаҳрамонлари ўз мақсадларига эришуvida қўллаб-куватловчи ҳомий кучлар, сехрли буюмлар, фантастик нарсалар, ҳомий авлиёлар ва сехрланган турли-туман буюмлар, ғаройиб қуш ёки бошқа

жониворлар ёрдамидан фойдаланилган ва булар сеҳрли эртакларнинг яратилишига асос бўлган.

Эртак жанрининг энг қизиқарли, сюжетларга бой, саргузаштларнинг турли-туманлиги билан ажralиб турувчи гуруҳи сеҳрли эртаклар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам сеҳрли эртак қаҳрамонлари реал ҳаётдаги каби қийин вазиятлар, табиатнинг инжиқликлари, душманларнинг ҳийлалари, даҳшатли дев ва бошқа шу каби сеҳр-жоду эгаларининг қаршиликлари билан тўқнашади. Лекин энг қийин дамларда ўзининг ақл-идроқи, қуч-қудрати ва жасорати билан бирга унга ҳомий кучлар мадад берадилар. Бу каби қаҳрамонлар образига халқнинг келажакдан катта умид боғлаган идеаллари сингдирилади ва ҳар вақт ҳамма жойда ундан андоза олиб, инсонлар ўзининг ёрқин келажакка бўлган умид ва ишончларини мустаҳкамлаб борадилар.

Тарихий-этник келиб чиқиши бир бўлган, ҳаёт тарзи, урф-одати, иқтисодий ва маданий соҳалари бир-бирини тўлдириб турувчи, асрлар давомида яқин қўшни бўлиб ҳаёт кечирган ўзбек ва қирғиз халқлари оғзаки ижоди ҳам турли даврларда турлича ривожланган бўлсада, улар ижодининг асл моҳиятида, асарлар сюжетида, мотивлар тизимида, қаҳрамонларнинг образларида қўплаб муштарак жиҳатларга гувоҳ бўлиш мумкин.

Эртак қаҳрамони образида халқнинг идеали мужассамланганлиги боис у ҳар қандай қийин вазиятлар, ноодатий қийинчиликларга ечим топишида сеҳрли нарсалар, ҳайвон ва қушлар ёрдам беради.

Ўзбек халқининг «Миср подшоси» деб номланган сеҳрли эртакда шоҳ тушида кўрган тилла қафас ичидаги булбулни излаб, уч ака-ука йўлга чиқадилар. Бир қанча масофадан кейин йўл учга бўлинади. Кўрқоқ акалар «борса келар», «борса ҳатар» деб аталувчи йўлларни танлашади. Кенжа ўғил эса «борса келмас»ни танлаб, бутун ҳаётини тавакkal ва мاشақкатга қўяди [10;366].

Қирғиз халқ сеҳрли эртаги «Кенже бала»да воқеалар ривожи шундай тус олади. Бир куни шоҳ ажойиб туш кўради. Кўзидан ёш ўрнига маржон оққан қушни кўрганини фарзандарига айтиб беради ва вояга этган икки катта ўғил қушни излаб йўлга отланади. Орадан қўп вақтлар ўтса ҳам шаҳзодалардан дарак

бўлмагач, оғаларидан ҳавотирга тушган кенжা ўғил акалари ва қушни излаб топиш учун сафарга отланади [7;272].

Юқорида келтирилган қиёсий таҳлиллардан кўриниб турибдики, айрим ўзбек ва қирғиз халқ сеҳрли эртакларида қаҳрамонларнинг ёлғиз эмаслиги, улар уч оға-инидан ташкил топганлиги ва энг оғир қийинчиликлар, мاشаққатли саргузаштлар кенжা ўғил билан боғлиқ ҳолда кечишини қўришимиз мумкин. Кенжা ўғилга золим акаларининг ҳийлаларини енгишида парилар, сеҳрли қуш, учар отнинг ёрдам бериши кабилар бу икки туркий халқ эртакларида муштарак мотивлардан ҳисобланади.

«Олтин балиқ» деб номланувчи ўзбек халқ сеҳрли эртагида воқеалар ривожи шундай кечади: “Қадим замонда бир камбағал чол бўлиб, у денгиз бўйида ёлғиз ўғли билан яшар, улар жуда фақир, бечораҳол кун кўрар эканлар. Бисотларида бир эски қайиқ ва балиқ овлайдиган тўрдан бўлак ҳеч нарсаси йўқ. Бир кун балиқчи чол денгизга тўр солибди, бироздан сўнг тўрни сувдан кўтариб, қараса, унақа-бунақа балиқ эмас, олтин балиқ илинган эмиш. Буни кўриб чол ҳайрон бўлибди ва ўғлига:

— Болам, сен бу ажойиб балиққа қараб тур. Мен бориб бу ҳодисани хонга маълум қиласай, зора-мора хон бизга каттароқ инъом берса, — деб, шаҳарга жўнаб кетади.

Ёш йигитча балиқнинг тўрда қийналаётганини кўриб, раҳми келиб, отасининг келишини ҳам кутмай, балиқни денгизга қўйиб юборади. Олтин балиқ денгизга шўнгиб кетибди. Хон ўзининг вазир-вузаролари, посбонлари билан етиб келиб, йигитга:

— Қани, ажойиб балиқни кўрсат! — деб буйруқ этса, ёш балиқчи балиққа раҳми келиб, уни қўйиб юборганини айтади.

— Сен ярамас чол: арзимаган бир нарса учун мени шунча овора қилдинг. Дунёда олтин балиқ ҳам бўлармиди! — деб бақириб, хон балиқчи йигитнинг қўл-оёғини боғлаб, эски қайиқда денгизга оқизиб юборади.

Қирғиз халқининг сеҳрли эртаги «Олтин балиқ» эртагида шаҳар четидаги дарё бўйида бир чол ва кампир Исмойил исмли ўғли билан яшар экан. Улар фақат

балиқ овлаш билан кун кечирап эди. Бир куни чол дарёга тўр солиб тортса, ажойиб ҳодисанинг гувоҳи бўлади. Яни унинг тўрига «олтин балиқ» илинади. Бу хуш хабарни дарҳол шоҳга етказиш мақсадида чол ўрнига ўғлини қолдириб, ўзи саройга йўл олади. Бола тўрдаги балиққа раҳми келиб, уни қўйиб юборади ва ўрнига балиқдек келадиган, оғир тошни илиб қўяди. Шоҳ одамлари билан етиб келиб, вазиятдан хабардор бўлади ва шоҳни алдагани учун балиқчини оиласи билан дорга осмоқликни буюради. Шунда ёш ўғлининг ўлимини истамаган балиқчи Исмойилни қочириб юборади” [7;210].

Кўринадики, ҳар иккала ҳалқ сехрли эртагида ҳам ўғилнинг раҳм-шафқатлилиги, табиат неъматларига ҳиёнат қилмаслик, меҳр беришлик каби эзгулик фазилатлари ортидан шафқатсиз шоҳнинг қаҳрига учраб, кийинчиликларга дучор бўлишини кўришимиз мумкин. Ҳар иккала ҳалқ эртаклари якунида ўз ватанига, яъни сувга қўйиб юборган олтин балиқнинг сехри ёрдамида машаққатларни енгиб ўтиши, ўз баҳтига ва бойликга эга бўлиши, эзгулик, яхшилик,adolat ҳар доим қарор топиши каби мотивлар муштараклиги бу икки ҳалқнинг оғзаки ижодининг яқинлигини исботлаб турибди.

Фольклорнинг бошқа жанрлари каби эртаклар ҳам ҳалқ томонидан ижод қилиниб, яратилиб, ижро этилиб, оғиздан-оғизга кўчиб ўтади. Бошқа бир ҳалқ эртакларида мотив ва сюжетларнинг иккинчи бир ҳалқнинг эртакларида ҳам учраши табиий ҳол. Яъни, бази бир ижобий ва салбий эртак қаҳрамонлари образларининг бадиий ҳусусияти тарихий-этник келиб чиқиши умумий бўлган, бир-бири билан яқин алоқада бўлган, бир тил гурухига кирган қардош ҳалқлар ёки жуғрофик жиҳатдан дунёнинг турли ҳудудларида истиқомат қилувчи ҳалқларнинг эртаклари сюжет қурилишида, мотивлар тизимида муштаракликларни яъни, «қўчиб юрувчи мотивларни» жуда кўп учратиш мумкин.

Ўзбек фольклоршуноси Ғ.Жалолов турли ҳалқлар фольклоридаги муштарак, уйғун сюжетларнинг, мотивларнинг вужудга келиш сабабларини қуйидаги икки жиҳат билан боғлаб изоҳлайди:

биринчидан, халқарнинг қадимдан бир-бирига яқин худудда ён қўшни бўлиб яшаши, тарихий-тадрижий ривожи, яшаш тарзи ва дунёқарашидаги яқинлик эртаклар сюжетидаги ўхшашликни келтириб чиқаради;

иккинчидан, “эртаклардаги айрим машҳур сюжетларнинг бир халқдан иккинчисига, бир ўлқадан бошқасига кўчиб юриши, ўтиб туриш ҳоллари ҳам мавжуд бўлиб, бу халклар ўртасидаги иқтисодий, савдо, маданий ва турли туман ўзаро алоқалар билан боғлиқдир [3; 37].

Дарҳақиқат, қадимдан бир-бирига яқин қўшни бўлиб яшаши, тарихий босиб ўтган йўли, яшаш тарзи ва дунёқарашидаги яқинлик, эртаклардаги айрим сюжетларнинг бир халқдан иккинчисига, бир ўлқадан бошқасига кўчиб юриши, шунингдек, иқтисодий, савдо ва маданий алоқалар ҳам ўша халқарнинг эртакларида цинқретик ҳолатларнинг учрашида муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Юқоридаги икки мисол ўзбек ва қирғиз халқ оғзаки ижодидаги сеҳрли эртакларда муштарак жиҳатларнинг мужассам бўлиши ҳам икки халқнинг қўшнилигини, дунёқарашларининг яқинлигини ва уларнинг доимий иқтисодий, маданий алоқаларининг мустаҳкамлигини кўрсатади.

Дунё халқлари фольклорида сеҳрли эртакларнинг ўрни бениҳоя каттадир. Ҳалқ томонидан яратилган нодир маънавий бойлик бўлган сеҳрли эртакларда ўша халқнинг кўп асрлик тарихи, дунёқараши, этник хусусиятлари, урфодатлари, ижтимоий-маиший турмуши, орзу-умидлари, мақсадлари, ҳаётий, фалсафий-таълимий қарашлари бадиий акс этади. Сеҳрли эртаклар замирида халқимизнинг тинчлик ва осойишталикни севиши, яхшиликни, эзгуликни, бағрикенгликни, дўстликни, меҳмондўстликни, меҳнатсеварликни, мардлик ва жасурликни улуғлаши, ватанпарварлик ва инсонпарварликни қадрлаши, одобахлоқнинг салбий кўринишларига, босқинчиликка, талон-торожликка, ишёқмасликка аёвсиз кураши ётади.

Халқларимиз томонидан яратилган эртаклар бебаҳо ижтимоий-тарихий, бадиий-эстетик ҳодиса бўлиб, инсонпарварлик фазилатларидан сабоқ беради. Жаҳондаги мамлакатларнинг ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва маданий

соҳалардаги бирлашиши кучайган бир пайтда халқларимиз томонидан яратилган ноёб хазиналар саналган халқ эртаклари ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш воситаси сифатида хизмат қиласи.

Жаҳон фольклоршунослигида бугунги кунда ҳар бир халқнинг миллий ўзлигини англатган сеҳрли эртакларини қиёсий-типологик жиҳатдан текшириш долзарб йўналишлардан биридир. Жаҳон фольклоршунослигида бугунги кунда ҳар бир халқнинг фольклор асарлари хусусида анъанавий фольклор, постфольклор ёки палеофольклор каби муаммолар атрофида фикр ва мулоҳазалар юритилаётган бир пайтда эртаклар, уларнинг яшовчанилигини тарғиб этиш, айниқса икки халқ сеҳрли эртакларини солиштириб, белгиланган ўринлар бўйича қиёсий-типологик таҳлил қилиш ўша халқлар сеҳрли эртаклари ўртасидаги муштарак ва фарқли жиҳатларини кўрсатиб, бир жойга жамлабгина қолмай, уларнинг қимматини белгилашга, янги қирралари топилишига, сеҳрли эртакларнинг ижтимоий-маънавий ҳаётимиздаги ўрнини белгилаб, кенг тарғиб қилишга йўл очади.

Мустақиллик йилларида фольклор асарларига, миллий қадриятларга эътибор кучайди ва уларни турли йўналишда тадқиқ этиш фольклоршуносликнинг устувор вазифаларига айланди.

Бугунги кунда миллий маданий меросга нисбатан янгича нуқтаи назар, соғилмий дунёқараш шаклланди. Тарих, адабиёт, халқ оғзаки поэтик ижоди, миллий анъаналарни чуқур тадқиқ этишга имкон яратилди. Айниқса, анъанавий эртакларнинг ҳозирги яшаш шакллари борасида жиддий ўйланиш лозим бўлаётган бир пайтда, бадиий тафаккур ривожининг ҳосиласи бўлган сеҳрли эртаклар миллий маънавиятимизнинг асосини ташкил этишга хизмат қилиши зарурдир. Адолатли жамият қуриш ва баркамол шахсни тарбиялашда халқ асарларининг, маънавий меросининг ўрни катта аҳамиятга эга.

Ўзининг бой ўтмиши, дини, тарихи, адабиёти, маданияти, тили, урфодатларидан хабардор бўлган ҳар бир шахс иродаси мустаҳкам, халқига, ватанига садоқатли бўлади. Шу боис ҳам аждодларимиз томонидан қолдирилган эртакларни асрраб-авайлаш, ривожлантириш ва келгуси авлодга етказиш

масаласи асосий бурчимиздир. Шунинг учун ҳам уларни икки халқ сеҳрли эртакларини мисолида қиёсий-типологик ўрганиш ва тадқиқ этиш бугунги куннинг долзарб масаласидир.

Ўзбек ва қирғиз халқ эртаклари фольклоршунослар меҳнати билан ёзиб олинган. Тўплаб олинган эртаклар китоб ҳолида нашр этилган. Ҳозирги кунда энг қизиқарли эртаклар китоб пештахталарида ўз муҳлисларини кутмоқда. Халқ эртакларида ёритилган кўхна халқларимиз қалбидаги ўлмас ғояларни жонлантириш, тарғиб этиш ҳам кечикирилмас вазифаларимиз ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Афзалов М.И. Ўзбек халқ эртаклари ҳақида. – Тошкент: Фан, 1964. – 520 б.
2. Жапиев Ж. Қирғиз халқининг оғзаки ижоди тарихи очерки. – Фрунзе: Илым, 1973. – 244 б.
3. Жўраев М. Фольклоршунослик асослари. – Тошкент: Фан, 2008. – 370 б.
4. Мухитдинова Н. Ўзбек фольклори: ўқув қўлланма. – Самарқанд: СамДУ, 2019. – 164 б.
5. Мирзаев Т., Турдимов Ш., Жўраев М., Эшонкулов Ж., Тилавов А. Ўзбек фольклори. – Тошкент: Тафаккур бўстони, 2020. – 238 б.
6. Сабир улу Б. Жомоқчулар жана жомоқтор. – Бишкек: Турап, 2008. – 385 б.
7. Ширдакова С. Киргиз халқ эртаклари. – Бишкек: Бийиктик плюс, 2014. – 272 б.
8. Эл адабияты. Табышмактар. – Бишкек: Шам, 2002. – 320 б.
9. Эшонкул Ж. Фольклор: образ ва талқин. – Қарши: Насаф, 1999. – 360 б.
10. Ўзбек халқ эртаклари. Халқ оғзаки ижоди. – Тошкент: Ёшлар нашриёт уйи, 2018. – 360 б.
11. Қирғиз эл жомоқтору. Биздин.кг / эл-сайт. <https://new.bizdin.kg>
12. Қирғиз элиниң кереметту жомоқтору. – Бишкек: Ориент 2010. – 48 б.
13. Балдар фольклору. “Эл адабияты” сериясынын 12-тому. /Тұзғөн жана баш сөзүн жазған Гұлбара Орозова. – Бишкек: Шам, 2002. – 353 б.